



ISSN: 2181-9416

YURIST AXBOROTNOMASI

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

HUQUQIY, IJTIMOIY, ILMIY-AMALIY JURNAL



CYBERLENINKA

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ
БИБЛИОТЕКА
e
LIBRARY.RU

РАХИМОВ Дониёр Бахтиёрович

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Юридик кадрларни қайта тайёrlаш ва малакасини ошириш
институти профессори в.б., юридик фанлари доктори (DSc)
E-mail: Mrdonyor72@gmail.com

ЮРИДИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ШАРТНОМАВИЙ МАЖБУРИЯТЛАР БАЖАРИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): РАХИМОВ Д.Б.
Юридик хизмат кўрсатиш соҳасида шартномавий мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 4 (2025) Б. 59–65.



4 (2025) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2025-2-15>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада юридик хизмат кўрсатиш соҳасидаги шартномаларнинг шахслар ўртасидаги, жамият ва давлат ривожланишидаги аҳамияти, ҳақ эвазига хизмат кўrсатиш шартномаси ва юридик хизматлар кўrсатиш тўғрисидаги шартнома тушунчалари, юридик хизмат кўrсатиш шартномаларининг турлари хусусида сўз юритилади. Шунингдек, фуқаролик-ҳуқуқий мажбурият тушунчаси, юридик хизмат кўrсатиш шартномасининг тарафлари бўлган ижрочи ва буюртмачининг мажбуриятлари баён этилади. Бундан ташқари, юридик хизмат кўrсатиш шартномаси бўйича олинган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашнинг аҳамияти, шартномавий мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг: неустойка, гаров, кафиллик, кафолат, қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолиш, закалат каби усуслари тўғрисида тўхталиб ўтилади. Юридик хизмат кўrсатиш соҳасидаги шартномаларда белгиланган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашда неустойкани қўллашнинг маъқуллiği ва бу борада шартномага қандай шартларнинг киритилиши мақсадга мувофиқлиги хусусида таклифлар илгари сурилади.

Калит сўзлар: ҳақ эвазига хизмат кўrсатиш, юридик хизмат кўrсатиш, шартнома, мажбуриятлар, бажариш, таъминлаш, таъминлаш усуслари: неустойка, гаров, кафиллик, кафолат, қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолиш, закалат.

РАХИМОВ Данияр Бахтиярович

И.о. профессора Института переподготовки и повышения квалификации юридических кадров при Министерстве юстиции Республики Узбекистан,
доктор юридических наук (DSc)
E-mail: Mrdonyor72@gmail.com

ОБЕСПЕЧЕНИЕ ИСПОЛНЕНИЯ ДОГОВОРНЫХ ОБЯЗАТЕЛЬСТВ В ОБЛАСТИ ЮРИДИЧЕСКИХ УСЛУГ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается значение договоров в сфере оказания юридических услуг в развитии общества и государства, понятия договоров возмездного оказания юридических услуг и договоров об оказании юридических услуг, виды договоров оказания юридических услуг. Также раскрывается понятие гражданско-правового обязательства, обязанности исполнителя и заказчика, являющихся сторонами договора оказания юридических услуг. Кроме того, будет рассмотрена важность обеспечения исполнения обязательств, полученных по договору оказания юридических услуг, способы обеспечения исполнения договорных обязательств, такие как: неустойка, залог, поручительство, гарантия, удержание имущества

должника, *задаток*. Выдвигаются предложения относительно целесообразности использования неустойки в обеспечении исполнения обязательств, указанных в договорах в сфере оказания юридических услуг, а также целесообразности включения в договор соответствующих условий.

Ключевые слова: возмездная услуга, юридическая услуга, договор, обязательства, исполнение, предоставление, способы предоставления: неустойка, залог, поручительство, гарантия, удержание имущества должника, *задаток*.

DANIYAR Rakhimov

Professor of the Training Institute for Lawyers, Doctor of Law (DSc)

E-mail: Mrdonyor72@gmail.com

ENSURING THE FULFILLMENT OF CONTRACTUAL OBLIGATIONS IN THE FIELD OF LEGAL SERVICES

ANNOTATION

This article examines the importance of contracts in the field of legal services in the development of society and the state, the concepts of contracts for the provision of legal services for a fee and contracts for the provision of legal services, and types of contracts for the provision of legal services. The concept of a civil-law obligation, the obligations of the contractor and the customer, who are parties to the agreement for the provision of legal services, is also disclosed. In addition, the importance of ensuring the fulfillment of obligations received under a contract for the provision of legal services, methods of ensuring the fulfillment of contractual obligations, such as: penalty, pledge, surety, guarantee, retention of the debtor's property, deposit will be considered. Proposals are put forward regarding the advisability of using penalties to ensure the fulfillment of obligations specified in contracts in the area of providing legal services, as well as the advisability of including relevant conditions in the contract.

Keywords: paid service, legal service, contract, obligations, performance, provision, methods of provision: penalty, pledge, surety, guarantee, retention of the debtor's property, deposit.

Юридик хизмат кўрсатиш соҳасида шартномалар тузиш, бу борадаги мажбуриятларни аниқ белгилаш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш жамиятда хуқуқий муносабатлар барқарорликни мустаҳкамлайди, томонларнинг қонуний манфаатларни кафолатлаш орқали улар ўртасида ишонч ва адолатни таъминлаб, келиб чиқиши мумкин бўлган низоларни камайтиради ҳамда иқтисодий ва ижтимоий муносабатларнинг самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим ва асосий тармоқларидан бири саналади [1].

Юқорида баён этилган фикрдан ҳам англаш мумкинки, хизмат кўрсатишга оид муносабатлар нафақат ижтимоий соҳа, шу билан биргалиқда иқтисодиётнинг ривожланишида ҳам муҳим бўлиб, инсон, жамият ва давлат манфаатини таъминлайди [2].

Юридик хизмат кўрсатишнинг юқорида қайд қилинган аҳамиятини инобатга олган ҳолда унга оид қоидалар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам белгилаб кўйилган.

Конституциямизнинг 29-моддасига кўра, ҳар кимга малакали юридик ёрдам олиш хуқуқи кафолатланади. Қонунда назарда тутилган ҳолларда юридик ёрдам давлат ҳисобидан кўрсатилади [3].

Ҳар ким ўз хуқуқлари ҳимоя қилувчи шахсни танлашда эркиндир. Шу жиҳатдан “хуқуқий ёрдам” ва “юридик (хуқуқий) хизматлар кўрсатиш тушунчалари ўртасига тенглик белгисини қўйиш мумкин [4].

Ушбу фикрдан, “хуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартнома” атамаси “юридик хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартнома” тушунчаси билан бирхиллигини англаш мумкин.

Юридик хизматлар шартномаси бугунги кунда кенг қўлланилади. У юридик характердаги муайян фаолият ёки ҳаракатларни бажариш юзасидан амалга оширилади: ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар (оғзаки ёки ваколатли) бериш, ҳуқуқий хulosалар тайёрлаш, турли ҳуқуқий ҳужжатларни (аризалар, шикоятлар ва бошқалар) расмийлаштириш; судларда жисмоний ёки юридик шахсларнинг манфаатларини ифодалаш ва ҳ.к. кабилар шулар жумласидан [5].

Юридик хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ ижрочи буюртмачи кўрсатмаларига асосан, ҳуқуқий масалалар бўйича юридик хизмат кўрсатиш шартномасида назарда тутилган даражада ва шартларда хизматлар кўрсатиш ва зарур ҳужжатларни тайёрлаш мажбуриятини, буюртмачи эса агар шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлаш мажбуриятини олади [6].

Юқорида қайд қилинган фикрлардан ҳам аён бўладики, юридик хизмат кўрсатиш шартномаси ҳуқуқий масалалар бўйича хизматлар кўрсатиш, жумладан маслаҳатлар бериш, хulosалар ёки зарур ҳужжатларни тайёрлаш, судларда жисмоний ёки юридик шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш агар шартномада бошқача шартлар назарда тутилган бўлмаса, кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш каби мажбуриятларни ўз ичига олади.

Юридик хизмат кўрсатиш шартномалари ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномалари туркумига кириб, улар билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси (кейинги ўринларда – ФК)нинг 38-бобида қайд қилинган қоидалар билан тартибга солинади.

Мазкур Кодекс 38-бобининг қоидалари алоқа хизмати, тиббиёт, ветеринария, аудиторлик, маслаҳат, ахборот хизматлари, таълим бериш, сайёхлик хизмати ва бошқа хизматлар кўрсатиш шартномаларига татбиқ этилади.

Таъкидлаш жоизки, ФКнинг 37, 39, 40, 43, 44, 45, 46, 48, 49 ва 51-бобларида назарда тутилган шартномалар бўйича кўрсатилган хизматлар бундан мустасно.

Таъкидланганидек, юридик хизмат кўрсатишга оид муносабатлар шартнома тузиш орқали вужудга келади.

Шартномалар тўғрисидаги умумий қоидалар ФК “Мажбурият ҳуқуқи” номли III-бўлимнинг иккинчи кичик бўлимида ўз аксини топган.

Икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви шартнома дейилади (ФК 353-модда, 1-қисм).

ФКнинг 703-моддасида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси тушунчаси баён этилган бўлиб, унга кўра ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича ижрочи буюртмачининг топшириги билан ашёвий шаклда бўлмаган хизматни бажариш (муайян ҳаракатларни қилиш ёки муайян фаолиятни амалга ошириш), буюртмачи эса бу хизмат учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади [7].

Шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларга, агар ФКнинг 26-боби (шартнома тушунчаси ва шартлари) ва шартномаларнинг айрим турлари тўғрисида баён этилган қоидаларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мажбуриятларга оид умумий қоидалар (ФК 234–352-моддалари) қўлланилади.

Мажбурият – фуқаролик ҳуқуқий муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: мол-мulkни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, **кредитор** эса – қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ФКда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади (ФК 234-модда).

Юқорида қайд қилинганидек, мажбуриятлар бошқа асослар каби шартномадан ҳам келиб чиқади.

Шартномалар, хусусан юридик хизмат кўрсатишига оид бир неча турдаги шартномалар мавжуд бўлиб, улар қуидагича баён этиш мумкин:

1. Юридик хизмат кўрсатиши тўғрисидаги шартнома (шартномавий хизматлар).

Бу энг кенг тарқалган шартнома турларидан бири бўлиб, адвокатлар, юристлар билан жисмоний ёки юридик шахслар ўртасида ҳуқуқий масалалар бўйича хизматлар кўрсатиши бўйича тузилади.

2. Юридик хизмат кўрсатиши шартномаси (абонемент асосида).

Бу каби шартномалар ташкилотлар билан юристлар ёки адвокатлар ўртасида муайян муддатга ҳамкорлик учун тузилади.

Асосий мақсади – белгиланган ойлик (ёки йиллик) ҳақ эвазига юридик ёрдам олиш.

3. Ишончнома асосида юридик хизмат кўрсатиши шартномаси.

Ушбу шартнома асосида юрист маълум бир иш бўйича буюртмачининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун бошқа шахс олдида ишончнома асосида ҳаракат қиласи.

4. Суд ишларини юритиш бўйича шартнома.

Бу туркум шартномалар маҳсус равишда фақат суд жараёнларида иштирок этиш, даъво аризаси ёзиш, ҳимоя қилиш ва ҳ.к. учун тузилади.

Бу шартнома асосида юрист ёки адвокат судда буюртмачининг қонуний манфаатларини ҳимоя қиласи.

5. Юридик маслаҳат бериш тўғрисидаги шартнома.

Бу тур шартномалар қисқа муддатли бўлиб, аниқ бир масала юзасидан ҳуқуқий маслаҳат бериш учун тузилади. Масалан, шартнома лойиҳасини текшириш ёки ҳуқуқий холоса бериш.

Шартномага асосланган муносабатларда иштирок этувчилар муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Уларга риоя қилиш шартнома иштирок этувчиларига манфаат келтиради. Зоро, шартнома тузишдан кўзланган мақсад ҳам қонуний манфаат кўришидир.

Юридик хизмат кўрсатиши тўғрисидаги шартномада тарафлар: **ижрочи** – юридик хизмат кўрсатувчи (адвокат ёки юрист) ва **Буюртмачи** (жисмоний ёки юридик шахс) муайян мажбуриятларга эга бўлади.

Ижрочининг мажбуриятлари:

– шартнома бўйича белгиланган хизматларни ўз вақтида ва тўлиқ кўрсатиши. Масалан, ҳуқуқий маслаҳат бериш, ҳужжатлар тайёрлаш, суд жараёнларида иштирок этиб, буюртмачининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва ҳ.к.;

– хизматларни малакали, ҳалол ва профессионал даражада бажариш. Масалан, қонунларга ва адвокатлик этикасига риоя қилиш;

– буюртмачига хизмат жараённида юзага келган барча ҳолатлар ҳақида маълумот бериш. Масалан, суд иши ҳолати, ҳужжатлардаги ўзгаришлар;

– олинган ишончномага мувофиқ ҳаракат қилиш ва ваколат доирасидан четга чиқмаслик;

– буюртмачига тегишли бўлган барча маълумотларни маҳфий сақлаш.

Жумладан, тижорат сирлари ва шахсий маълумотларни ошкор қилмаслик;

– хизмат кўрсатиши натижаларини қайд этувчи ҳужжатларни буюртмачига тақдим этиш. Масалан, бажарилган ишлар ҳақида далолатнома.

Буюртмачининг мажбуриятлари:

– юридик хизмат кўрсатиши учун шартномада белгиланган ҳақни келишилган муддатда тўлаш;

- ижрочига хизмат кўрсатиши учун зарур бўлган маълумот ва хужжатларни ўз вақтида тақдим этиш;
- ижрочининг қонуний кўрсатмалари ва тавсияларига амал қилиш;
- шартнома бўйича ижрочига берилган ишончномани ўз вақтида расмийлаштириш;
- ижрочи томонидан тайёрланган хужжатларни ўз вақтида тасдиқлаш ёки тузатиш юзасидан фикр билдириш;
- юридик хизматларидан фойдаланиш давомида қонунбузарлик ҳаракатларини содир этмаслик.

Юқорида қайд қилинган мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилиши учун уларнинг таъминланиши буюртмачи ва ижрочининг “манфаатлар муштараклиги”ни кафолатлади.

Юридик хизмат кўрсатиши шартномаси бўйича олингандан мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга эканлигини англаб етишимиз учун қуидаги фикрни келтириб ўтамиз:

“Мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг цивилистик аҳамияти ва роли қуидагиларда намоён бўлади деган холосага келиш мумкин:

биринчидан, мажбурият бажарилиши кафолатланади;

иккинчидан, мажбуриятда иштирок этувчи тарафларнинг ҳукуқлари ҳимояланади;

учинчидан, мажбуриятни бажаришга қарздорда рағбат уйғотилади;

тўртинчидан, иқтисодий ўсиш барқарорлигига салбий таъсир кўрсатадиган инфляция, ишлаб чиқариш даражаси пасайиб кетиши, етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар учун тўловнинг амалга оширилмаслиги хавфи бартараф этилади;

бешинчидан, тарафлар мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган бўлсалар, уларнинг зиммасига қўшимча мажбуриятлар юкланди ёки мажбуриятнинг бажарилишига эришиш учун қарздор мулки захираланиб қўйилади;

олтинчидан, мажбурият қарздор томонидан бажарилмаганида кафил зиммасига мажбурият бажарилиши юкланиши захираланиб қўйилади ва кредитор мажбурият билан боғлиқ бўлган талабларининг бажарилишини нафақат қарздордан, шу билан биргаликда кафилдан ҳам талаб қилиш ҳукуқига эга бўлади;

еттинчидан, шартнома шартларини бажаришга тарафларда рағбат уйғотиш учун мажбуриятни вижданан бажаришга даъват этилиши орқали шартнома интизомининг мустаҳкамланиши таъминланади” [8. 31-32].

Юридик хизмат кўрсатиши тўғрисидаги шартномада томонлар оладиган мажбуриятларни таъминлаш учун бир нечта усувлар мавжуд: неустойка, гаров, кафиллик, кафолат, қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолиш, закалат. Лекин, уларнинг ҳаммаси ҳам юридик хизмат кўрсатиши соҳасидаги шартномалардаги мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилишини таъминлаб бера олмайди.

Энг мақбул усул: неустойка

ФКнинг 260-моддасига асосан, шартнома шартларининг бузилиши учун томонлар неустойка (штраф ёки пеня) тўлаш мажбуриятини белгилашлари мумкин.

ФК 325-моддасига биноан, агар мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун неустойка белгиланган бўлса, заарнинг неустойка билан қопланмаган қисми тўланади.

Нега айнан неустойка?

Юридик хизмат кўрсатиши кўпинча номоддий хизмат турига киради, яъни хизмат кўрсатувчи томон (адвокат, юрист)нинг билим, малака, вақт ва эътиборидан фойдаланилади.

Хизмат кўрсатиш бўйича барча шартнома мажбуриятларини ягона гурухга бирлаштирувчи умумий белгилар – объекнингхусусиятидир. Бу, биринчидан, хизматларноашёвий характерда бўлишини, иккинчидан, хизмат кўрсатувчининг шахсияти билан узвий боғлиқлигини назарда тутади [9].

Бундай хизматларда гаров, закалат ёки мол-мулкни ушлаб қолиш амалда қўлланилмайди.

Неустойка – хизмат кўрсатиш муддати бузилганида ёки сифатсиз хизмат кўрсатилганида осон қўлланадиган таъминлаш усули. Неустойка жарима ёки пеня шаклида бўлади.

Юридик хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномага қўйидагича шартларни киритиш тавсия этилади:

“Агар ижрочи шартномада белгиланган муддатда юридик хизматни кўрсатмаса, ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган хизмат қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим”.

“Агар буюртмачи кўрсатилган хизмат ҳақини ўз вақтида тўламаса, ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди”.

Таъкидлаш жоизки, пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни хизмат кўрсатиш муддатларини кечикириб юбориш, хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

Мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули сифатида неустойка эътироф этилар экан, бунда унинг мажбурият бажарилишига тарафларни рағбатлантириш хусусияти устуворлик касб этади. Чунки, неустойканинг рағбатлантирувчи кучи тарафларни ўз мажбуриятларини лозим даражада бажаришларига ундан, уларни ҳаракатга келтиради ва мажбурият юзага келган пайтда кўзланган манфаатни таъминлайди [8. 63].

Нима учун бошқа воситалар номақбул?

Гаров ва закалат каби таъминлаш усуслари кўпроқ мулкий шартномалар (транспорт, уй-жой, кредит ва ҳ.к.) учун мос.

Юридик хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома бўйича буюртмачи ижрочига моддий активлар бермайди, шу сабабли гаров ва закалатнинг амалда татбиқ этилиши ноқулай.

Қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолиш.

ФК 290-моддасида қайд қилинган қоидалар ашёвий муносабатларда – товарларни бериш, иш бажариш шартномаларида қўлланилади.

Юридик хизматда бундай ашё, мол-мулк мавжуд эмас, шунинг учун бу усулни қўллаш маъқул эмас.

Кафиллик.

Буюртмачи томонидан шартнома бажарилишини учинчи шахс кафолатлаши мумкин. Лекин, юридик хизмат шартномаларида бундай ҳолат кам учрайди, чунки хизмат кўрсатиш жараёни ва натижаси учинчи шахсга эмас балки айнан ижроининг шахсий билим ва тажрибага боғлиқ.

Кафилликни кўп миқдордаги сумма акс этган, стратегик аҳамиятга эга шартномаларда қўллаш мақсадга мувофиқ.

Кафолат.

Фуқаролик кодексида кафолат хизмат сифатини таъминлаш бўйича ҳуқуқий усул сифатида тўлиқ тартибга солинмаган.

Биз қуидаги жадвалда юридик хизмат күрсатиш тұғрисидаги шартномаларда олинган мажбуриятларнинг бажарилишига қайси таъминлаш усууларини құллашнинг маъқуллигини көлтириб ўтамиз:

№	Таъминлаш усули	Маъқуллик даражаси	Асос
1	<input checked="" type="checkbox"/> Неустойка	Юқори	ФКнинг 260-263-моддалари талабларига мос келади
2	<input checked="" type="checkbox"/> Гаров / Закалат	Паст	Моддий актив мавжуд әмас
3	<input checked="" type="checkbox"/> Мол-мulkни ушлаб қолиши	Паст	Ашёвий муносабат әмас
4	<input checked="" type="checkbox"/> Кафиллик	Оралиқ	Катта суммада фойдали
5	<input checked="" type="checkbox"/> Кафолат	Камчилиги мавжуд	Шахсият билан боғлиқ

Юридик хизмат күрсатиш тұғрисидаги шартномаларда мажбуриятларни таъминлаш учун неустойка (жарима ёки пеня)ни танлаш эңг мақбул, ҳуқуқий жиҳатдан асосланған ва амалий ечим ҳисобланади.

Холоса ўрнида таъкидлаш жоизки, юридик хизмат күрсатиш тұғрисидаги шартномаларни тұғритузиш ва уларда олинган мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилишини таъминлаш, нафақат шартнома тузган тарафларнинг қонуний манфаатларини кафолатлайди, шу билан биргаликда жамият ва давлат равнақыга ҳам муносиб ҳисса құшади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Полвонов А. Юридик хизмат күрсатиш шартномасининг түшүнчеси ва ўзига хос хүсусиятлари. // Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations. Special Issue – 01 (2022). –Б. 203.
2. Қаранг: Улашев Х.А. Мамлакат миллий иқтисодиети ривожида хизмат күрсатиш соҳасининг ўзига хос хүсусиятлари. //Иқтисодий тараққиёт ва таҳлил. 2024, 2 (1) сон, –Б. 543-550
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 2023 //<https://lex.uz/docs/6445145>
4. Имомов Н. Адвокаттар фаолиятининг фуқаролик-хуқуқий мақоми //“Ўзбекистон Республикасида адвокатурани такомиллаштириш муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: 2003. – Б.136.
5. Полвонов А. Юридик хизмат күрсатиш тұғрисидаги шартнома ҳуқуқий моделининг хүсусиятлари. //Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations. Special Issue – 07 (2022). – Б.205.
6. Кратенко М. Договор об оказании юридической помощи в современном гражданском законодательстве: автореф. дис. ... кан. юрид. наук. – Томск: 2005. – С.27.
7. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. <https://lex.uz/docs/180552>
8. Рахимов Д.Б. Мажбуриятлар бажарилишини фуқаролик-хуқуқий таъминлаш. Монография, – Тошкент, “MUMTOZ SO’Z”, 2021. – Б. 31-32, 63.
9. Маҳмудходжаева У. Ички ишлар органлари томонидан ҳақ әвазига күрсатиладиган хизматларни фуқаролик-хуқуқий тартибга солишини такомиллаштириш: юрид. фан. фалс. докт (PhD). Дис... автореф. – Тошкент: 2021. – Б. 14.

YURIST AXBOROTNOMASI
4-SON, 6-JILD

ВЕСТНИК ЮРИСТА
НОМЕР 4, ВЫПУСК 6

LAWYER HERALD
VOLUME 6, ISSUE 4

ISSN 2181-9416
DOI JURNAL: 10.26739/2181-9416